

## ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ - ИНСОН САЛОҲИЯТИНИ ЮЗАГА ЧИҚИШИ ОМИЛИ

Холмирзаев Хуршид Нақибиллаевич

*Андижон давлат университети*

*Ижтимоий фалсафа йўналиши таянч докторанти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ижодий фаолият тўғрисида илмий фикрлар баён этилган. Ижод ҳақидаги файласуф олимларнинг фикрлари фалсафий таҳлил этилади. Шунингдек ижодий фаолиятнинг турлари ҳам келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар.** Ижод, ижодий фаолият, инсон фаолиятининг турлари, инсон фаолиятининг эволюцияси, фан.

Ижод фақат инсонгагина хос бўлган ҳодиса. Ижод инсон фаолиятининг чексизлигини англатади. Унда инсоннинг ақли, руҳияти, тажрибаси иштирок этади. Ижод инсоннинг ўзидан ўзиб кетишини англатади. Ижод янгилик яратади, шунга кўра у тараққиётнинг чақириқ шакли ҳисобланади.

Ижод тўғрисида гапирилганда тасаввур этиш билан боғлиқ жараён назарда тутилади. Ижоднинг мақсади янгилик, инновация яратишдир. Ижоднинг натижасига бетакрорлик хос бўлиб, бу жараёнда ҳали жамиятда мутлақо бўлмаган янгилик яратилади. Баъзан ижод натижаси тўсатдан кутилмаганда юзага чиқади. Ўзига хос санъат асарлари, илмий кашфиётлар шулар жумласидандир. Француз файласуфи Анри Бергсон инсоннинг моҳияти унинг ижод қилишида, чунки у табиатига кўра ижодий зот, унга интуиция хос. Ижодий интуициялар - бу иррационал ҳодиса. Анри Бергсон “Ижодий эволюция” асарида ҳар бир инсонда қандайдир ички куч мавжудлигини ва бу куч инсонни ижодга, фикрлашга чорлашни, бу эса ҳаётнинг давомийлигини эътироф этади. Бу жараёнда ижод ва интуициянинг роли катталигини таъкидлайди [1].

Ижод жараёнида шаклланган фаолиятни ижодий фаолият дейиш мумкин. Лекин ижод билан жамиятнинг айрим аъзоларигина шуғулланадилар. Улар маълум маънода маънавий элитани ташкил этади. Ижодий фаолият эгаси ўзига ҳос маънавияти, фикрлашининг ўзгачалиги, қобилияти, турли идеалларга интилиши каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Албатта, илмий ижод билан шуғулланадиган шахслар – олимлар юқори қобилиятга эга бўлиб, уларнинг илмий ижод натижалари баъзан катта жамоаларнинг фаолиятдан кўра кучлироқ аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Шуни айтиш зарурки, ҳар қандай ижодий фаолият асосида улкан меҳнат ётади. Меҳнат фаолиятида инсонинг эҳтиёжлари, мақсад ва вазифалари, ҳатто идеаллари ҳам акс этади. Буюк Шарқ мутафаккири Ибн Халдун инсон фаолияти ва унинг эҳтиёжларини ўзаро боғлиқ деб ҳисоблайди. Меҳнат фаолиятини жамиятнинг географик шароитлари иқлими, меҳнати қабилар билан боғлайди. Бу жараёнда меҳнат тақсимоти, жамиятнинг тараққиёт даражаси, бошқарув усули, кишиларнинг ижтимоий фаолиятига таъсир этади. Ибн Халдун ушбу жараёнда шаҳарнинг ролини алоҳида кўрсатади. Унинг фикрича кишилар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шаҳарга келадилар ва шаҳарнинг янгича кадриятларини ўзлари яшаган жойларга олиб келадилар. Шаҳар маданияти ва қулайликларига ўрганиб борадилар [2].

Умумий тарзда инсон фаолиятининг турларини қуйидагича тавсифлаш мумкин: иқтисодий фаолият;

сиёсий фаолият;  
маънавий фаолият;  
илмий фаолият;  
эстетик фаолият.

Иқтисодий фаолият – инсоннинг ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, борликни ўзлаштириш асосида моддий бойликлар яратишга қаратилган фаолият. Сиёсий фаолият – жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкиллашда, ички ва ташқи сиёсатида иштирок этиш. Маънавий фаолият – инсон ва жамиятнинг ахлоқий, диний, эстетик соҳада амалга ошириладиган фаолият. Илмий, интеллектуал фаолият – табиат, жамият, инсон ҳамда улар билан боғлиқ амалга ошадиган табиий, ижтимоий ҳодисаларни, жараёнларнинг хусусиятлари ва моҳиятини билишга қаратилган инсоннинг назарий ва амалий фаолияти. Ҳар қандай фаолиятнинг асосида яратувчилик, янгилик яратишга интилиш ётади. Инсоннинг моҳиятида унинг эволюцион ва узлуксиз тарзда ижтимоийлашиб бориши, доимий маданийлашуви хусусияти мавжуд бўлиб, мазкур жараён инсон ва жамиятнинг мунтазам эҳтиёжларининг ортиб бориши, инсоният мақсадлари ва идеалларининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Албатта, бу табиий жараён, чунки инсон ва жамиятнинг ўзгариб юксалиб бориши объектив қонуниятларга асосланади.

Умуман инсон фаолиятининг эволюциясини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин. Қуйидаги тасниф меҳнат тақсимотига алоқадор равишда пайдо бўлган.

Инсоннинг дастлабки фаолияти термачилик, овчилик ва чорвачиликка бўлинган меҳнат тақсимоти асосида юзага келган.

Чорвачилик, деҳқончиликнинг ажралиб чиқиши асосида нисбатан мураккаброқ фаолият юзага келди.

Деҳқончилик ва хунармандчилик асосида меҳнат қуролларининг мураккаблашиб бориши билан бирга ўзига хос фаолият шаклланди.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат тараққиётига боғлиқ тарзда бутунлай янгича моҳиятга эга бўлган фаолият ривожланди.

Компьютерлаштириш, автоматика, интернет, нано технологиялар ривожини натижасида замонавий фаолият юзага келди. Бу фаолият аввалги фаолиятларга нисбатан юксак тараққий этган бўлиб, юқори суръатлар билан амалга ошириб боровчи инновацион моҳиятга эга бўлган фаолият ҳисобланади.

Жамият тараққиёти, янгиланиши тарихда яратувчанликка интилиш жамиятнинг маънавий ҳаётига ҳам албатта катта таъсир кўрсатган. Фан тараққиёти, ҳатто янгича диний ғояларнинг тарқалиши бунга мисол бўлади: “Жамиятни янгилаш, диний ғояларни ҳаётий яратувчилик ғоялари билан уйғунлаштириш ҳақидаги илк ғояларни илгари сурган аллома Хожа Баҳоуддин Нақшбандийдир. Баҳоуддин Нақшбандийнинг меҳнат, яратувчанлик этикасини христианликдаги протестант, меҳнат этикаси (М.Льютер, А.Кальвин) билан қиёслаш мумкин” [3].

Фан - дунё тўғрисидаги, шу жумладан, одамнинг ўзи тўғрисидаги объектив билимларни ишлаб чиқариш бўйича юксак даражада ташкил этилган ва ихтисослаштирилган фаолиятдир. Фан ва техниканинг ҳозирги тараққиёти инсонлар фаолиятини тубдан ўзгартириб юборди. Инсоннинг фан ва техника ривожига, энг сўнгги намунадаги техника ютуқларининг эса инсон ҳаётига таъсири жуда катта ҳисобланади. Фан кишиларга янгича ҳаёт тарзини яратиб бермоқда. Бу жараёнларни К.Ясперс қуйидагича таърифлайди: “Қисман одамнинг ўзи томонидан яратилган муҳит одам моҳиятининг белгисидир” [4]. Техника ўз-ўзича мавжуд бўла олмайди.

Инсон ўзини, хусусиятини, ички эҳтиёжлари ва манфаатларини, орзу-умидлари, салоҳиятини жамиятда, жамият билан ўзаро муносабатда юзага чиқара олади.

Инсоннинг тараққий этиши, эҳтиёжларининг қондирилиши, фаолияти каби инсонга тегишли бўлган ижтимоий-антропологик ва праксиологик ҳодисалар орқали инсон жамият билан ўзаро алоқага киради, улар ўртасида ижтимоий муносабатлар юзага келади [5].

Жамият тараққиётига диалектик алоқадор равишда эҳтиёжларнинг ўсиши, инсонларнинг, тараққиётга мослашиб бориши, ижтимоий муҳитнинг ўзгариши натижасида кишиларнинг ижтимоий мобиллигини ортиб бориши, урбанизация, давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларнинг кенгайиб бориши, глобаллашув жараёнлари чегараларнинг нисбатан очилиб бораётганлиги натижасида юзага келаётган имкониятлар каби ҳодисалар фаолиятнинг ҳам янада янги турларини юзага келишини таъминламоқда. Бунинг натижасида янги замонавий объектлар, субъектлар, ўзаро муносабатлар шаклланмоқда. Турли халқаро компаниялар, кооперацияларнинг юзага келиши инсон ва унинг фаолияти ҳамда салоҳиятининг олдига янги талабларни қўймоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Анри Бергсон. Творческая эволюция. М.: Терра-Книжный клуб, 2001, - С. 384
2. Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. С.498.
3. Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. Т., 2006, - Б.5.
4. Новая технократическая волна на Западе. М. 1986. - Б. 123.
5. Naqibillaevich H. H. Philosophical Analysis of Elements of Human Power System //The Peerian Journal. – 2022. – Т. 5. – С. 96-101.